

## «Гидромелиоратив ишларни механизациялаш» мутахассислигида муваффақиятли ҳимоялар

«Гидромелиоратив ишларни механизациялаш» мутахассислигида таҳсил олган 216-гуруҳ магистрантларининг 29 июнданги Магистрлик диссертация ҳимояси савол-жавобларга бой ва муваффақиятли ўтди. Ҳар бир магистрант берилган мавзу доирасида атрофлича ёндошиб, илмий ва техник ечимлар беришга, замонавий технологиялардан фойдаланишга ҳаракат қилгани ҳимояни таассуротларга бой бўлишига сабаб бўлди. Хусусан, техник ечимлар доирасида макетлар ясалгани, видеороликлар тақдим этилгани мазкур йўналишнинг кадрлар тайёрлашдаги салоҳиятини очиб берди. Комиссия аъзолари томонидан берилган саволларга ўз фикр- мулоҳазаларидан, эгалланган билимларидан келиб чиқиб жавоб берган магистрантларимизнинг барчаси ўз тавсия ва ишланмаларини муваффақиятли ҳимоя қилишди. Мутахассислик бўйича еттита магистрантимиз таҳсил олган бўлсалар барчалари аниқ бир фикрни, муаммога нисбатан ечимни илгари сурғанлари, Президентимизнинг қарор ва фармонларида юклатилган вазифаларни таъминлаш мақсадида мақбул тавсияларни ишлаб чиқсанлари фикримизнинг исботи бўлди. С.Холова, С.Меликузиев, И.Турдигеков, С.Орзиев, С.Суюнов, М.Ахмадқулов, Қ.Рўзиқулловлар томонидан механизация соҳасини янада такомиллаштириш мақсадида олиб борилган кичик тадқиқотлардан келиб чиқиб, берилган тавсияларни амалиётга тадбиқ этиш ўринлидир. Диссертация ҳимояси якунида академик Ш.Йўлдашев магистрантларимизга катта ишонч билдириб, ҳимоядаги камчиликлари ва устунликлари ҳақида ўз фикр -мулоҳазаларини билдиридилар ва кейинги илмий-тадқиқот ишларида улкан зафарлар тиладилар.



**«Гидромелиоратив ишларни механизациялаш» мутахассислиги магистри С. Холова  
ахбороти**

**Институт матбуот котиби Раҳимбой Жуманиёзов**